


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**Ижтимоий фанлар ва маънавият
асослари кафедраси**

“ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ”

(Маъруззлар матни)



Тошкент 2007 йил

Тузувчи: Н. Йўлдошева – Наманган вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, “Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчи: А.Ҳомидов – НамМПИ ўқитувчиси.

Ушбу маъруза матни “Ижтимоий фанлар” кафедранинг _____ 2006 йилдаги № _____ - йиғилишида кўриб чиқилди ва нашрга тавсия этилди.

Шарқнинг буюк донишманди Абу Али Ибн Сино “Нега дунёда ёвузлик бу қадар кўп” деган саволга: “Боиси сиз- у биздадир. Билмаслик ёки уқувсизлик сабабли ёвузлик билан курашишдан воз кечишимиз асносида ўзимиз ҳам ёвузлик кенг тарғалишига имкон яратиб берамиз” дея жавоб берган экан.

**1-мавзу: Давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, белгилари, функциялари, шакллари ва турлари.
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.**

Курс тингловчилари қуйидаги билим, малака ва кўникмаларга эга бўладилар:

- давлат ҳақидаги тушунча;
- давлат функциялари;
- давлат шакли
- давлат белгилари;
- ҳуқуқ турлари;
- ҳуқуқ ҳақида тушунча;
- давлат органи ҳақида;
- давлат тузилиши ҳақида;
- ижро этувчи ҳокимият органлари;
- Конституциялар ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида билимларни ўзлаштириш ва эга бўлиш;
- мантиқий ва танқидий фикрларни шакллантириш;
- ўз қарашларини аниқ, равшан ёритиш, изоҳлашга ўрганиш.

Дарсдан кутилаётган натижада тингловчилар:

- давлат ҳақида тушунчага;
- давлат ва унинг функциялари
- давлат белгилари, шакллари, турлари,
- ижро этувчи ҳокимият органлари;
- давлат тузилишлари;
- Конституция ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақидаги билимларга эга бўладилар.
- Ҳуқуқнинг тармоқлари.

Дарсда ёритилиши лозим бўлган атамалар:

- давлат;
- давлат функцияси;
- ҳуқуқ;
- Конституция

Дарснинг жиҳози:

Мавзуга оид: слайдлар, адабиётлар, газета ва журналлар, тарқатма материал, мини плакатлар, кўргазма материаллар.

“Ҳар бир давлат бетакроп ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир”.

И.А.Каримов.

РЕЖА

1. Давлат ва ҳуқуқ тушунчалари, белгилари ва функциялари.
2. Давлатнинг шакллари ва ҳуқуқнинг турлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш тўғрисидаги масала кўп асрлар давомида кўплаб мутафаккирн файласўфлар, юристлар, тарихчиларни ўйлантириб келган. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш ҳақида турли хил назариялар мавжуд. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз:

ТЕОЛОГИК назария вакиллари давлатнинг худо томонидан яратилганлигини уқтирадилар, “бутун ҳокимият худоники” деган қоидаги илгари сурадилар. Ушбу назария теократик, яъни давлат бошлиғи айни пайтда унинг диний раҳнамоси бўладиган давлат қарор топган даврдаги жараёнларни акс эттиради.

ПАТРИАРХАЛ назария тарафдорлари давлат катталашиб кетган оиладан бевосита келиб чиққан, монарх ҳокимияти эса гўё оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар. Бу назария Юнонистонда пайдо бўлган ва Арасту (Аристотель) асарларида асослаб берилган

ШАРТНОМА назарияси XVII-XVIII асрларда ёйилган. Голландияда ушбу назарияни Гроций ва Спиноза, Англияда-Локк ва Гоббс, Францияда-Руссо, Россияда А.Н.Радишев ривожлантирган. Уларнинг фикрича ҳокимият халққа тегишли бўлиб, халқ уни монархга топширган. Бу назарияга кўра онгли инсон маҳсули бўлиб, одамлар келишган ақл натижаси.

ЗЎРЛИК назарияси (Гумплович, Каутский)га кўра давлатнинг келиб чиқиши асосида зўрлик ҳаракати, бир халқнинг бошқа халқни босиб олиши ётади. Давлат ғолибнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун тузилади.

ИРРИГАЦИЯ назариясига кўра давлатнинг келиб чиқиши уларнинг илк шакллари Шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттфагелнинг “Шарқ истибдоди” асарида ифодалаб берилган.

СИНФИЙ назария намояндalари (К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин) фикрича давлат иқтисодий сабаблар-ижтимоий меҳнат тақсимооти, кўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши иқтисодий манфаатларга эга синфларга ажралиш туфайли келиб чиққан.

“ДАВЛАТ” кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда уч асосий назарий ёндошув мавжуд ижтимоий, синфий, сиёсий- ҳуқуқий.

Биринчи ёндошувга кўра, давлат-умумий муаммолар ва ишларни ҳал қилиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Иккинчи ёндошувнинг мазмуни шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий қураш бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилади.

Учинчи ёндошувнинг асоси қуйидагича:

Давлат жамиятнинг ва давлатнинг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир.

Давлат-суверенитетга, бошқарувнинг оммавий ҳокимиятнинг сиёсий ҳудудий ташкилоти.

Давлат-бутун мамлакат ҳудудида ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, қонунлар чиқарадиган, суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилот.

Давлат- йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институт.

Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:


1. Ўзига хос оммавий ҳокимият - давлат ҳокимиятининг мавжудлиги;
2. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги;
3. Суверенитет, яъни ички ва ташқи сиёсатни ўтказишда мустақил бўлиш;
4. Ҳуқуқ ижодкорлиги;
5. Аҳолидан солиқларни тўплаш;
6. Умумий функцияларни бажариш.

Давлатнинг моҳияти ҳақида замонавий қарашлар:

1. Ижтимоий қарама-қаршиликни бартараф этиш;
2. Умуминсоний институтларни таъминлаш;
3. Ташқи фаолият.

Давлат ва ҳуқуқ узвий боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисалардир:

- Давлат - ҳуқуқни шакллантирувчи сиёсий механизм;
- Давлат -ҳуқуқни амал қилишини кафолатлайди ва уни бузилишдан сақлайди;
- Муайян давлатга ҳуқуқнинг муайян тури мос келади;
- Ҳуқуқнинг юзага келиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ;
- Ҳуқуқ давлат нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган муносабатларни мустаҳкамлайди ва тартибга солади;
- Ҳуқуқ мамлакатдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва давлатнинг халқаро майдонда муомала қилиш тилидир.



- А) мазмуни - давлат фаолияти бир ҳил
 Б) Микёси - функциялар давлатни бир
 В) Хусусияти комплекс, мажмуавий;
 Г) мақсади инсоннинг ижтимоий ҳимояланганлиги, ташқи хавфсизлик ва хоқозолар.

Давлатнинг функциялари ички ва ташқи функцияларга бўлинади.


Давлатнинг ички функциялари мамлакат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Ички функцияга қуйидагилар киради:

- 1) регулятив (тартибга солиш, бошқариш);
- 2) қўриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш).

Ташқи функциялар давлатнинг халқаро майдонидаги фаолиятининг асосий йўналишлари:

- 1) Халқаро ҳамкорлик:
 - А) ташқи сиёсий фаолият;
 - Б) Ташқи иқтисодий фаолият .
- 2) мудофаа ва миллий хавфсизликни таъминлаш:



Давлат шакли қуйидаги уч элементни ўзида ифодалайди:

- Давлат бошқарув шакли;
- Давлат тузилиш шакли;
- Сиёсий режим.

Бошқарув шакли деганда, олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади.

Бошқарув шаклига кўра давлатлар монархия ва республикага бўлинади .

“**Монархия**” сўзи юнончада “Якка ҳокимлик маъносини билдиради. Монархия олий ҳокимият якка ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқаруви шаклидир.

Монархия мутлоқ ва чекланган (ёки парламентлар) шаклларда бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (қирол, подшо, император) амалга оширса (Саудия Арабистони) бундай монархия мутлоқ монархия дейилади.

Агар монархнинг ҳокимияти конституцияси асосида амал қиладиган бирон бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий парламент шаклидаги монархия бўлади... Масалан: Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция.

“**Республика**” сўзи юнончада “Умумий иш” маъносини билдиради. Республика давлат бошқарувининг ҳокимият олий идоралари муайян муддатга сайланадиган шаклидир. Республикалар Президентлик Республикаси ва парламент Республикаларига бўлинади Президентлик Республикасида давлатни халқ сайлайдиган ва жуда кенг ваколатларга эга бўлган Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Бундай Республикада ҳукуматни Президент тузади (АҚШ ва Ўзбекистон).

Парламентар Республикада давлат бошлиғи сайланувчи мансабдор шахс бўлиб, нисбатан торроқ ваколатларга эга. Бунда Президентни парламент сайлайди. У расман давлат

бошлиги ҳисобланиб, асосан вакиллик функцияларини бажаради. Унинг ҳукумат тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга бўлади. У ҳукуматни бошқармайди (бош вазир бошқаради). Аммо ҳукумат уни тарқатиб юбориши мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир (Австрия, Италия, Германия).

Республика шаклидаги бошқарувнинг яна бир кўриниши аралаш бошқарувдир. Бундай бошқарув президентлик ва парламентар аралашиб кетган бўлади (Франция).

Давлатнинг тузилиш шакли унинг маъмурий ҳудудий ташкил этишдир. **Давлат тузилиши буйича барча давлатлар куйидаги турларга булинади:**


1. Унитар
2. Федератив.
3. Конфедератив.

Унитар давлат - бу оддий, яхлит давлат. Бундай давлатда битта парламент битта ҳукумат, битта Президент бўлади. Конституция, қонунчилик тизими, фуқаролик, пул бирлиги, солиқ кредит, армия ягона булади.

Федератив давлат - бу мураккаб, иттифоқдаги давлат. Одатда у бир қанча давлатларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бирлашганидан кейин бу давлатлар федерация аъзолари ёки субъектлари бўлиб қоладилар. Улар турлича аталиши (штатлар, ўлкалар, республикалар) ва ўз маъмурий ҳудудий бўлинмаларига эга бўлиш мумкин.

Федерацияда ҳокимият идораларининг икки тизими амал қилади Федерал даражада ва федерация субъектлари даражасида федерал даражада ҳам, федерация субъект даражасида ҳам президент, парламент, ҳукумат бўлиши мумкин.

Жахонда 20 тадан ортиқ федерация бор. Федерация ва уларнинг субъектлари



ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам уйғун эмас (СССР, Чехословакия, Югославия тарқалиб кетди. Федерацияларга мисол АКШ, ГФР, Бразилия, Россия, Хиндистон.

Конфедерация ўз суверенитети ва мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда у ёки бу мақсадга эришиш учун бирлашган давлатлар иттифоқи. Конфедерацияда ягона ҳудуд ягона фуқаролик бўлмайди. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлади. Конфедерациянинг мисоли сифатида 1848 йилгача бўлган Швейцарияни, ҳозир эса Европанинг 25 давлатини бирлаштирган Европа Иттифоқини келтириш мумкин.

Сиёсий режим давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва йўлларининг мажмуи булиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинликлар даражасини ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради.


Демократия (халқ ҳокимияти) инсон сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларнинг кенглигини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти идораларини тузишда ва уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишни, халқ идорасини, демократик ҳокимиятининг ягона манбаи деб билишни англатади. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга : вакиллик демократияси ва бевосита демократия.

Вакиллик демократияси халқнинг ўз ҳокимиятини вакиллик идоралари, яъни демократик ҳокимиятнинг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали амалга оширишини билдиради .

Бевосита демократия халқнинг демократик ҳокимият масалаларини хал этишда умумхалқ овоз бериши йўли билан тўғридан- тўғри иштирок этишдир.

Аксилдемократик режимга хос хусусият шундаки, бундай режимда давлат идоралари хокимиятнинг амалга ошириш чоғидан демократик принциплар ва қоидаларга риоя этмайдилар уларни доимо ёки тез-тез бузадилар.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари паймол этилади, қўпол равишда бузилади, муҳолифат бартараф этилади, баъзида эса парламент сингари демократик институтлар йўқ қилинади.



Ҳуқуқ - давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган ва уни куч билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларининг тизими “Ҳуқуқ” ибораси икки маънода қўлланилади. Объектив ҳуқуқ-умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндиси.

Бу нормалар у ёки бу инсоннинг, субъект иродаси ҳамда хоҳиши истагидан қатъий назар мавжуд бўлади. Субъектив ҳуқуқ муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ. Масалан, фуқаро Г.Солиеванинг маълум нарсага, айтайлик автомобилга нисбатан мулк ҳуқуқи.

Субъектив ҳуқуқ объектив ҳуқуққа асосланади, объектив ҳуқуқ бўлмаса, субъектив ҳуқуқ ҳам бўлмайди.

Ҳуқуқнинг асосий белгилари:

- 1) Давлат йўли билан ўрнатилиши;
- 2) Барча учун мажбурийлиги;
- 3) Ҳуқуқ нормаларининг қонунлар ва бошқа муайян манбаларда ифодаланиши;
- 4) Субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиш;
- 5) Ҳуқуқ давлат томонидан таъминланганлиги.

Давлат каби ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам турли назариялар мавжуд:

1. Табиий ҳуқуқ назарияси- ҳуқуқ назарияларининг энг қадимийларидан бири. Унинг вакиллари ҳуқуқнинг ўзида адолатнинг мутлақ, ўзгармас ибтидосини мужассам этганлигидан келиб чиқади. Ҳуқуқ табиатан мавжуд, уни ҳеч ким ўйлаб топмаган, у худди инсон каби табиийдир. Табиий ҳуқуқ-давлат интилиши зарур бўлган ўзига хос идеал.

2. Ҳуқуқнинг тарихий назарияси вакиллари ҳуқуқ тарихан пайдо бўлган ва ривожланади деб ҳисоблайдилар. Ерга экилган уруғ каби у халқнинг онгида ўсиб боради ва адолат, қонунлар шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқ табиатан келиб чиқмайди.

3. Ҳуқуқнинг психологик назариясида ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини шахс ёки шахслар гуруҳининг психологияси билан изоҳланади. Ҳуқуқ психологик йўналишлар, турли кечинмалар, ҳиссиётлар ва инстинктларнинг маҳсули деб қаралади.

4. Ҳуқуқнинг синфий (марксистик назария) моҳиятига урғу берадилар. Бунда ҳуқуқ хукмрон синф иродасининг қонун даражасига кўтарилганлиги сифатида талқин этилади.

Ҳуқуқ жамият ҳаётида муайян функцияларни бажаради. Ҳуқуқнинг функцияси деганда, ижтимоий муносабатларга таъсир этиш, уларни тартибга солишнинг асосий йўналишлари тушунилади.

Ҳуқуқнинг асосий функциялари қуйидагилар: тартибга солувчи, қўриқловчи ва тарбиявий.

Тартибга солиш функцияси - тегишли ижтимоий алоқалар ҳамда муносабатлар у ёки бу субъект фаол хулқ-атворининг мезонини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Қўриқлаш функцияси - ҳуқуқий муҳофаза ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, уларни қўллаш ва жавобгарликни ўташ тартибини ўрнатишдан иборат.

Тарбиявий функцияси –турмушда нималарни қилиш мумкин, нималар эса тақиқланади, у ёки бу вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилашдан иборат.

Бундай ҳуқуқ ишонтириш методига таянади, зарур бўлганда мажбурлаш методини, ҳатто жазолашни ҳам назарда тутади. Жамиятда меъёрнинг икки тизими мавжуд: техникавий ва ижтимоий.

Техникавий меъёр тизими ”инсон-машина” муносабатлар-ни тартибга солади.

Ижтимоий меъёр тизими - одамлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий ҳуқ-атвор қоидалари бўлиб, улар “инсон-инсон” муносабатларини тартибга солади.

“Меъёр” яъни “норма” сўзи латинчадан таржима қилинганда “қоида”, “намуна” маъносини англатади.

Ҳуқуқ меъёри – давлат томонидан белгиланадиган, қафолатланадиган, муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий ҳуқ-атвор қоидаси.

Ҳуқуқ меъёри, тузилишига кўра, уч таркибий қисм: гипотеза, диспозиция, санкциядан иборат.

Гипотеза-қонун нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда норма амал қила бошлайдиган, бажариладиган шароит баён этилади.

Диспозиция-ҳуқ-атвор қоидаларининг ўзи ифодаланади, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилади.

Санкция—ҳуқуқ нормасини бажармаганлик учун давлат органлари қўллайдиган мажбурлов чораси.

1. Ким нимани қачон қилиши керак – гипотеза;
2. Ҳуқуқний норманинг маъно- мазмуни - диспозиция;
3. Оқибат қандайлиги – санкция;

Ҳуқуқий меъёрларни улар мазмунидаги қоидаларнинг характериға кўра қуйидаги турларға ажратиш мумкин: ваколат берувчи, мажбурият юкловчи, таъқиқловчи, императив (буйруқ берувчи) ва диспозитив (тўлдирувчи).

Ҳуқуқ - ички яхлитлиги ва ўзаро мувофиқлиги билан ажралиб турадиган муайян тизим. Лекин, бошқа тизимлари каби, ҳуқуқ ҳам ҳуқуқ тармоқларидан иборат кичик тизимларға бўлинади.

Давлатнинг юридик нормалари йиғиндиси унинг ҳуқуқини ташкил этади. Ҳуқуқий нормалар турли туман бўлиб, улар ўзаро мустаҳкам боғланган, мувофиқлашган ва яхлит ҳуқуқ тизимини ташкил этади.


Ҳуқуқ тизими турли - туман, ўзаро мустаҳкам алоқа бўлган юридик меъёрлар йиғиндисидир. Ҳуқуқ тизими катта таркибий қисмлар бўлмиш ҳуқуқ, тармоқларига бўлинади. Давлатдаги ижтимоий муносабатларнинг хилма-хиллиги тармоқларға бўлинишнинг асосини ташкил этади. Ҳуқуқ тармоғи жамият ҳаётининг маълум соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартиб солувчи ўзаро боғлиқ юридик меъёрлар йиғиндисидир. Ҳуқуқий тартибға солиш усули, ҳуқуқ тизимининг тармоқларға бўлишнинг қўшимча асосидир.

Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қуйидаги асосий тармоқларини ўз ичига олади:

- | | |
|--------------------------|----------------------------------|
| 1. Конституциявий ҳуқуқ; | 8.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи; |
| 2. Маъмурий ҳуқуқ; | 9.Экологик ҳуқуқ; |
| 3. Фуқаролик ҳуқуқи; | 10.Молиявий ҳуқуқ; |
| 4. Жиноят ҳуқуқи; | 11. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи; |
| 5. Ер ҳуқуқи; | 12. Жиноят-процессуал ҳуқуқи; |

6. Аграр ҳуқуқ; 13. Хўжалик-процессуал ҳуқуқи;
7. Меҳнат ҳуқуқи; 14. Оила ҳуқуқи .

Конституциявий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи асосий ҳуқуқ тармоқлари ҳисобланади.



Оммавий ҳуқуқ давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Хусусий ҳуқуқ ўзаро мажбуриятлар асосида ҳуқуқларга эга бўлувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқ манбаи деганда, уни объектив ифодалаш усуллари тушунилади. Ҳуқуқ манбаларини қуйидаги уч асосий турга бўлиш қабул қилинган:

1. ҳуқуқий одат;
2. юридик прецедент;
3. норматив-ҳуқуқий ҳужжат.


Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари давлатнинг қайси органлари томонидан қабул қилинганлигига ҳамда уларнинг юридик кучи катта ёки кичиклигига қараб фарқланади:

1. Қонун – умумхалқ овоз бериш орқали, ёки мамлакатнинг олий вакиллик органи қабул қиладиган норматив ҳуқуқий ҳужжат.
2. Давлат бошлиғининг норматив ҳужжатлари хусусан бизнинг мамлакатимизда - бу Фармон.
3. Ҳуқуматнинг қарорлари ва фармойишлари;
4. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоараларнинг буйруқ ва йўриқномалари;
5. Давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси қонунларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- А) Асосий Қонун – Конституция;
- Б) Конституциявий қонун;
- С) Қонун;
- Д) Қорақолпоғистон Республикасининг қонунлари.

Конституциявий қонунлар Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчи қонун.



“Конституция” түшүнчаси замирида давлатнинг ижтимоий табиатини ифодаловчи асосий қонун ётади. Конституция - давлатнинг кичик модели, унинг ҳуқуқий ўстқурмасидир. Конституция шаклига қура ёзилган ва ёзилмаган бўлади. Ёзилган бу ижтимоий давлат тузилишининг энг муҳим институтларини ўрнатувчи маълум бир тизим асосида тузилган асосий қонундир. Ёзилмаган эса бир қатор қонунлар ва конституцион урф - одатлар мажмуасидир. **Конституция атамаси логинча “ўргатиш, тасдиқлаш, тузилиш” маъноларини билдиради.** Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида пайдо бўлиши одатда буржуазия билан боғланади. Хозирги буржуазия конституцияни моҳиятин ўзгартирди. Энди у ҳукмрон синф манфаатларни ифода этиб қолмай, барча синф ва ижтимоий

гуруҳлар учун бирдай аҳамиятга эга бўлган умуминсоний кадриятлар ҳамда манфаатларни мустаҳкамлаш воситасига айланди.

Конституциянинг хусусиятлари конституцияга хос ҳуқуқий тамойиллар, конституция меъёрлари таъсисчи характерга эга. Конституция - бу Олий қонун бўлиб, бошқа қонунлардан устувордир. У қонун ва қоидаларга ҳамиша бошланғич тавсиячи. Агар оламдаги асосий қонун ўз моҳияти талабларига жавоб бермаса конституциявий ислохот учун зарурат туғилади. Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституцияси ҳам давлатимизнинг ҳозирги замон мақомига, шахс билан давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг халқаро ҳуқуқ, талаб ва меъёрларига жавоб бермай қўйган эди. Чунки у жаҳон конституциявий амалиётида эътироф этилган ва асосий қонунга қўйиладиган талабларга мос эмасди. Умуман, жамият тараққиёти эҳтиёжлари ва истиқлол йўлларини ўзида акс эттирмас эди.

Жаҳон цивилизацияси ўзининг таркибий ривожланиш давомида бугунги кунда амал қилаётган икки гуруҳдаги Конституцияларни юзага келтирди.

Биринчи гуруҳни бугуни кундагидан кескин фарқ қиладиган шароитларда қабул қилинган конституциялар ташкил этади. Бундай конституцияларнинг энг ёрқин намунаси-1787 йилги АҚШ Конституцияси, 1831 йилги Бельгия, 1874 йилги Швейцария Конституцияларидир.

Иккинчи гуруҳга XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган “янги авлод” Конституциялари дастлабки Конституциялардан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, Конституцияни муҳофаза қилиш ва ижтимоий муаммоларга муурожаат этиш механизмнинг кенгайиши оқибатида конституциявий жиҳатдан тартибга солиш ҳажмининг кенгайиши билан фарқ қилади. Мустақил давлатлар шаклланишининг учинчи тўлқини аввало Африканинг сахройи Кабирдан жанубдаги давлатларга тўғри келади (60 йиллар). Бу ерда давлатларнинг ўз тажрибаси ё унча ривожланмаган, ё Европа моделлари ҳукмронлиги туфайли унитилган эди.

1990 йилнинг июнида Республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида янги асосий қонун лойиҳасини тайёрлаш учун конституциявий комиссия тузилди. Янги асосий қонун лойиҳасини тайёрлаш фаол амалий конституциявий ислохот жараёни билан узвий боғлиқликда олиб борилади.

Сўнги уч йилда Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясига 100 дан ортиқ ўта муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Булар жумласига, биринчидан, сиёсий соҳада президентлик лавозимини ва юқоридан то қуйиғача ижро этиш ҳокимияти тизимини таъсис этиш, конституциявий назоратни жорий қилиш, сайлов тизими ва судларни сайлашдаги ўзгартиришларга, бир партияликдан кўп партиявийликка ўтишга қаратилган қўшимчалар киради. Иккинчидан, иқтисодий соҳада, янги жамиятнинг иқтисодий асосини давлат ва колхоз-кооператив мулкчилиги эмас, балки етарли мулкчилик шакллари ва уларнинг ҳуқуқий тенглиги ташкил этилиши ҳақидаги конституциявий қоида ўрнатилади. Учунчидан, маънавий соҳада ягона ҳукмрон марксизм-ленинизм мафқурасидан ва фақат синфийликка асосланишидан воз кечиб, умуминсоний кадриятларга таяниб кўпфирклилик, виждон эркинлиги ва бошқа шахс ҳуқуқларининг қонуний эътироф этиш ҳақида қўшимчалар киритилди. Бу соҳалардаги ҳар бир конституциявий ўзгартириш ҳаёт синовидан ўтди. Шунинг учун ҳам конституциявий комиссия тараққиётимизнинг конституциявий қоидаларини асосий қонун лойиҳасига киритди.

Бутун сиёсий ва ҳуқуқий тизимнинг тубдан ўзгартиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган конституциявий ислохот бир қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, агар илгарилари қонунчиликни ўзгартириш одатда янги Конституциявий қабул қилишдан бошланиб, кейин тармоқ жорий қонунларини аста-секин ўз ичига олса, эндиликда у бутунлай бошқача амалга оширилмоқда.


Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг асосий қонунини ўзи ишлаб чиқди. Бунда мезон бўлиб халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва умумбашарий кадриятлар хизмат қилди.

Конституция йўли билан тартибга солишни қўллашнинг кенгайиши жараёни кўзга ташланмоқда. Бу ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини конституция йўли билан мустаҳкамлаш, конституциявий назорат қумитасини таъсис этиш, Ўзбекистон Олий Кенгаши

томонидан Республика прокурорининг тайинланиши ва хоказо холларда ўз ифодасини топди. Мухим конституциявий ислохотларнинг биринчи босқичи мазмунини ташкил этадилар.

Конституциявий ислохотларнинг иккинчи босқичи 31 август 1991 йилдан то 8 декабр 1992 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Конституциявий қонун билан белгиланади. Бу ҳажми бўйича 17 моддадан ташкил топган, ниҳоятда ихчам ва кичик ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида қўйган илк қадамларининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ўз моҳияти бўйича уни вақтинчалик кичик Конституция деб таърифлаш мумкин.

Конституция лойихаси тайёрланиб, лойиха икки ярим ой мобайнида матбуотда, бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар фаоллари йиғилишларида минг-минглаб меҳнат жамоаларида чуқур муҳокама қилинди. Натижада 60 дан ортиқ моддага аниқлик, тузатишлар киритилади. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг муқаррар равишда ўзининг асосий қонунини қабул қилишга зарурат туғилди. Чунки ҳар бир мустақил давлат ўзининг конституциясига эга бўлиши керак.



Бозор иқтисодиётини янги иқтисодий тузумга ўтмоқдамиз. Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий қисмининг энг асосий томонлари конституция томонидан тартибга солинади. Қабул қилинган конституция ҳеч кимнинг кўрсатмаларисиз, жаҳон ва тарихий конституциявий тажрибага ва амалиётдан келиб чиқиб тайёрланди.

Асосий қонунларимиз сўнгги йилларида Республикада жорий этилган ва ҳаёт тажрибасидан ўтаётган янги конституциявий институтларда ўз аксини топади.

Асосий қонунимизнинг олдинги бошқа давлатларнинг конституцияларидан ажратиб турадиган жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Авваламбор, ўзининг туб моҳияти ва мақсадлари билан Республикаимизнинг олдинги асосий қонунлари бизни собиқ иттифок таркибида қоғоздагина “мустақил” бўлган давлатнинг конституциялари эди.
2. Асосий қонун ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ҳам ажралиб туради. Бунда 1991 йили қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонун муҳим мезон бўлиб хизмат қилди.
3. Асосий қонун бошқа конституциялардан фарқли ўларок, ўта мафқуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилган. Умумбашарий, инсоний қадриятларимиз биз қураётган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятнинг асоси бўлмоғи керак.

4. Асосий қонун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ ва талаб коидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган. Чунки Ўзбекистон халқаро муносабатлари тенг ҳуқуқли субъекти сифатида узининг конституциясида шундай талаб ва коидаларни тан олиши ва мустаҳкамлаши керак.
5. Асосий қонун жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва унинг ижобий томонларидан атрофлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Унинг алоҳида хусусияти унинг барқарорлигидир. Олий Мажлиснинг 2/3 қисми ўзгартиришга тарафдор бўлиб овоз берса амалга ошади.

1992 йил 8 декабрь (янги) Конституцияси эълон қилган асосий принципиал ғоялар: ўзбек халқи:

- 1) **Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитетига содиқ қолишни тантанали эълон қилиш;**
- 2) **Келажак ва ҳозирги авлодга юқори жавобгарликни ҳис этган ҳолда эълон қилади;**
- 3) **Ўзбек давлатчилигининг ривожланиши тарихий тажрибасига суянган ҳолда эълон қилади;**
- 4) **Социал одиллик ва демократия ғояларига содиқ қолган ҳолда эълон қилади;**
- 5) **Халқаро ҳуқуқни барча тан олган меъёрларини устуворлигини тан олган ҳолда эълон қилади;**
- 6) **Республика фуқароларига ҳақиқий ҳаётни таъминлашга интилишни эълон қилади;**
- 7) **Ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат қуришни вазифа қилиб қўяди;**
- 8) **Фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлашни мақсад қилиб қўяди;**
- 9) **Ўзининг ваколатли вакиллари орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилади.**

Конституция Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқароликни ўрнатади. Бунинг маъноси: "...биринчидан, давлатнинг ягоналиги, мустаҳкамлиги ва яхлитлигидир; иккинчидан, барча фуқаролар, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари бирдек сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга, қонун олдида тенг ва давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонлиги субъекти ҳисобланадилар; учинчидан, Республиканинг бутун ҳудудида Ўзбекистон фуқароларига уларнинг конституциявий ва бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг давлат-ҳуқуқий муҳофазаси таъминланади. Ўзбекистон фуқароларига берилган имтиёз ва афзалликлар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланиб, улар ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт".

Конституция Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўяди. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи "Инсон" эканлиги ёрқин мужассамлаштирилган. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни яънада тўлдирган. Масалан, Конституциянинг 13-моддаси фикримизга далил бўлиши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида Демократик умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва

бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади

Ушбу модда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий қадрият даражасига кўтарилган. Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгилайди: ”Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғилганлар” (1-модда), “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир” (3-модда), “Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг барча турлари тақиқланади” (4-модда) ва хоказо. Конституциямизнинг 13 моддасида эса: “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” дейилган. Бу Ўзбекистоннинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда одамларнинг миллатига, динига, ижтимоий аҳолига, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чеклашлар йўқ. Чунинчи, Конституциянинг энг муҳим қисмларидан бўлган 2-бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”га бағишланган. Конституциянинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у фақат фуқароларни, яъни давлатимизга мансуб кишиларнинггина, эмас балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Чунки бизда инсон ҳамма нарсадан муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч ким уни бу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати - унинг олий қадрияти. Ҳеч ким қулликка ёки асоратга солиниши, суднинг ҳукмсиз ёки прокурор руҳсатисиз ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади. Ҳоҳлаган жойида истиқомат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин қаерда яшаса, ўша ерга мансуб бўлган давлатнинг қонунларига итоат этиши мажбур.

Инсоннинг шаъни ва ор-номуси ҳам дахлсиз. Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашини, оилавий сир асорларини ошқора қилиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Инсонни камситиш, обрусизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш қонунга хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади ва бундай ҳаракатлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарликлар мавжуд. Инсон ҳаётига тажовуз энг оғир жиноят ҳисобланади.

Конституциянинг 13-моддаси алоҳида равишда яна шуни эътироф этадики, Ўзбекистонда барча фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан бирга ҳимоя қилинади. Ушбу меъёр Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатларига бағишланган. Конституциянинг X-бобида махсус тарзда янада мустаҳкамланган. Яна бир мисол, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми 1 бўлимида “Шахсга қарши жиноятлар” учун жавобгарлик белгиланади. Бунда шахснинг ҳаётига, соғлигига, жинсий эркинлигига, оилага, ёшларга қарши қаратилган жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган.

Демак, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар Республикамизнинг миллий давлатчилиқ манфаатларига тўла мос келади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қафолатлари икки кўринишга эга: давлатнинг ўз ички қафолатлари ва халқаро ҳуқуқий қафолатлар. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлаш борасида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти алоҳида ўринга эга. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қафолатланиши, шунингдек, малакали юридик хизмат ва профессионал ҳимоячи (адвокат) хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкониятининг мавжудлигига ҳам намоён бўлади.

Қонунга биноан ҳокимият вакиллари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик учун жавобгарлик ўрнатилган. Бу ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларидан биридир.

Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқий кафолатлари халқаро оммавий ҳуқуқ томонидан ўрнатилган. Ўзбекистон Конституциясининг 43-46 моддалари айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланган.

43-модда. Давлат Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ушбу модда Конституциявий принципларининг асоси, ўзаги, характерини ифодалаган бўлиб, унда инсон манфаатларига хизмат қилиш, эркинлик кафолати, давлатнинг ижтимоий мақсади ва асл ғояси акс этган.

Мустақилликка эришилгач, республикамизда умуминсоний қадриятларни тиклаш ва демократик жамият қуриш йўлидан боришда инсон эркинлигига, жамият ва давлатнинг бирлигига инсоннинг туган ўрнини юксак баҳолашга катта аҳамият берилди. Демократик давлатда жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари доимий ҳаракатдаги механизм сингари бўлмоғи лозим. Ўзбекистон республикаси Конституциясининг мазмунига давлат фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, жамият учун хизмат қилишга бутун кучини сафарбар этиши лозимлиги ҳақидаги ғоялар сингдирилган.

Конституцияга биноан ҳеч ким суд қарорисиз фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳақли эмас.

Кафолат тизимида иқтисодий омил катта аҳамиятга эгадир. Сабаби иқтисодий ҳаёт қанчалик фаровон бўлса, ҳуқуқнинг амалдаги кафолат даражаси шунчалик юқори бўлади. Буларнинг барчаси давлатнинг асосий қонуни билан белгиланади ва кафолатланади.

Бу модданинг асосий моҳияти шундаки, фуқароларнинг бузилган конституциявий ҳуқуқлари суд орқали химоя қилинади. Демократик ҳуқуқий давлатда Конституция томонидан суд химоясининг берилиши бу жуда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий химоя қилишнинг мукамал дастури яратилган. Бунда Республика аҳолисининг энг муҳтож қатламларига катта эътибор берилмоқда. Бу айнан Конституциянинг 45 моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, аҳолининг ана шу қатламларини махсус химоя қилади.

Конституцияда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлигининг алоҳида равишда мустақамланиши ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатларидандир.

2-мавзу: Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили. Ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши.

Курс тингловчилари қуйидаги билим, малака ва кўникмаларга эга бўладилар:

- ҳуқуқий давлат ҳақида;
- ҳокимият ҳақида;
- ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили;
- ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши;
- олинган билимларга нисбатан мантиқий ва танқидий фикрлаш;
- ўз қарашларини аниқ изоҳлаш;
- мавзу бўйича янги ахборот, билим, маълумотларни олиш;

Дардан кутилаётган натижада тингловчилар:

- ҳуқуқий давлат ҳақида тушунча;
- ҳокимият ҳақида;
- ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили ҳақида;
- ўзбек миллий давлатчилиги ҳақида;

- ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши ҳақида;
- ўз қарашларини изоҳлаб бериш;
- қарорлар қабул қилиш;
- гуруҳ билан мулоқат қилишни ўрганадилар ва билимга эга бўладилар.

Дарснинг муҳим атама ва тушунчалари:

- ҳуқуқий давлат;
- ҳокимият ;
- ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили;
- ўзбек миллий давлатчилиги;
- ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши;
- вазирлар Маҳкамаси;
- олий Мажлис;
- суд ҳокимияти;
- қонун чиқарувчи.

Дарснинг жиҳози:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид слайдлар.

“Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир”.

И.А.Каримов

Р Е Ж А

1. Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили.

2. Ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши.

Ҳуқуқий давлат-ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устунлиги, барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи асосида ташкил этиладиган демократик давлат.

Ҳуқуқий давлатнинг белгиларига қуйидагилар киради:

1. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги.

Давлат ҳудудида бўлган барча шахслар-ушбу давлат фуқаролари, хорижликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар юридик шахслар, мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти идоралари ҳуқуққа бўйсинадилар.

2. Конституция ва қонунларнинг устунлиги.

Конституция ва қонунлар ҳуқуқий нормалар тизимида олий юридик кучга эгадир. Турли хил давлат идоралари чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмаслиги керак.

3. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, уларни ҳимоя қилиниши.

4. Давлат ва фуқароларнинг ўзаро муасъулияти.

Давлат қонунларида шахс эркинлигининг меъёрини белгилаб қўяр экан, худди шу чегараларда ўзини ҳам қарор қабул қилишда чеклаб қўяди.

5. Жамиятда ҳокимиятнинг қонунийлиги (легитимлиги). Ҳокимият қонуний деб эътироф этилиши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

а) демократик сайлов йўли билан шаклланиши;

б) жамиятда барқарорлик ва қатъий тартибни таъминлаши;

в)мамлакат ичкарасида ҳам халқаро миқёсда тан олиниси.

6. Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши.

Давлат ҳокимияти бир қўлда тўпланиб қолмаслиги учун ҳокимиятнинг учта тармоғини- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ажратиб қўйиш керак. Ушбу ҳокимият тармоқларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида амал қилади.

7. Суднинг мустақиллиги.

8. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг самарали ишлаши.

9. Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги. Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи жамиятда ҳуқуқий онг даражасидир.

10. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви

Ҳуқуқий давлатларда давлат бошқаруви ҳуқуқнинг устунлигига асосланади ва шу боис нафақат расмий органлар ва мансабдор шахсларнинг мақсадига балки фуқаролар ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини таъминлаш ҳамда кафолатлаш заруратини ҳисобга олувчи ҳуқуқий шакл ва усулларга боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий давлатларга барча иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жараёнлар, шунингдек, кишилар орасидаги аралашув бегонадир.

Ҳуқуқий кадрларнинг устунлиги, уларнинг ҳам аҳоли, ҳам давлат хизматчилари орасидаги нуфузига эътибор берадиган, ўз фаолияти давомида ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ҳамда қонун талаблари доирасида амал қилган ҳлда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймайдиган давлатни чинакам ҳуқуқий давлат дейиш мумкин.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини фақат Конституция асосида, қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идоралардагина амалга оширилади. Давлат идоралари фақат қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Давлат идораларининг Конституция ва қонунга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

Ҳокимият давлат ҳокимиятининг кенг тармоқлари орқали амалга оширилади. Масалан, вакиллар органи бўлмиш Олий Мажлис қонунлар чиқаради. Ижро этувчи ҳокимият – ҳукумат, Вазирлар Маҳкамаси- қонунларнинг ижросини таъминлайди. Суд органи одил судлов сифатида қонунлар асосида баҳсли масалаларни ҳал қилади. Бу органларнинг ҳар бири маълум доирадаги ваколатларга эга ва биргаликда ўзаро боғланган ягона давлат тизимини ташкил этади.

Конституциямизнинг 11 моддасида Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ташкил этишининг асосий конституциявий принципи мустаҳкамлаб қўйилган:


“Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”.

Ҳокимиятнинг бўлиниш принципини демократик давлатларнинг тарихий ривожланиши давомида жаҳон ҳамжамяти ишлаб чиққан. Унинг мазмуни шундан иборатки, давлат ҳокимияти функцияларининг мустақил давлат ташкилотлари орасида бўлиниши мавжуд бўлгандагина давлатда демократик сиёсий тузум ўрнатилиши мумкин.

Ҳокимиятнинг бўлиниш принципига мувофиқ, давлатнинг қонун чиқариш, уларни бажариш ва одил судлов борасидаги фаолияти ҳокимиятнинг уч тармоғи – парламент, ҳукумат ва суд ўртасида тақсимланиши зарур. Бунда ҳокимиятнинг бирор тармоғи бошқа бирининг фаолияти соҳасига аралашмаслиги зарур. Ўзаро бир-бирини тийиб туриш, ҳокимиятнинг барча тармоқларини мутаносиблаштиради, уларнинг муносабатида маълум мувозанат яратади. Ушбу принципнинг амалга оширилиши халқ ҳокимиятининг бирор гуруҳ ёки алоҳида шахс томонидан суистеъмол қилинишига йўл қўймайди. Ҳокимиятнинг бўлиниши принципини XVIII аср француз мутафаккири Шарл Луи Монтескье асослаб берган.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири. “Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти-давлатнинг учта асосий таянчидир.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, ижро этувчи ҳокимиятни эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистоннинг ягона суд тизимини ташкил этади.




- қуйидагиларда ифод
1. жамиятда сиёсий ва шу=у=ий маданият лагажасини қўтариш ва барқарорликни таъминлаш; қонунчиларнинг қўриқилиши ва қонунчиларнинг қўриқилиши; қонунчиларнинг қўриқилиши ва қонунчиларнинг қўриқилиши; қонунчиларнинг қўриқилиши ва қонунчиларнинг қўриқилиши;
 2. фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигига доир амалий чоралар қабул қилиш;
 3. фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларига тажавуз қилувчи мансабдор шахсларни тегишли шаклда ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ҳуқуқий давлат қуйидагиларни таъминлайди:

1. давлат механизмларининг барча бўғинлари аниқ бир маромда ишлашини;
2. ҳуқуқий давлат органлари фаолиятида ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлигини;
3. ҳокимият ваколатларини тақсимланишини принципини турмушга жорий этишни;
4. давлат-ҳуқуқий ва сиёсий институтларнинг барқарорлигини;
5. эркин бозор иқтисодиётини таъминлайди.

Давлат механизми – жамиятни бош=ариш ва хал= манфаатларини ҳимоя =илиш ва амалга оширадиган давлат идоралари ва муассасалари тизими.



Инсоният тарихидан маълумки, давлат ва ҳокимиятнинг конституциясида кўзда тутилган бўлиши керак. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, давлат ва ҳокимиятнинг бошқарув тизими ҳаёт ҳам тақозо қила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора тадбирлар кўради. Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик республика шаклини вужудга келиши ва такомиллашувида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда Президентлик бошқарувнинг янада такомиллашувида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президентлик республика бошқарувида энг муҳими – ҳокимият бўлинишини адолатли тарзда амалга ошириш имкони бор. Яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти бир бирига дахл сиз ҳолда иш олиб боради. Ўзбекистон давлатчилигида қатъий интизом бор. Уни назорат қилиб борувчи Конституциявий суд мавжуд. Ўзбекистонда бошқарув тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистоннинг давлат суверенитетни амалга оширувчи тузилмалар – Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, фан ва техника давлат қўмитаси, Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилди. 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан оқ бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи, бозор муносабатларининг фаолияти учун имкон берувчи янги бошқарув тизимини яратиш зарур эди. Ўзбекистонда молия идораларини бошқариш ташкилий тузилмаси ва нарх белгилаш тизими ислоҳ қилинди. Давлат таъминот қўмитаси ўрнига республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди. Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ишлари вазирлигининг тузилиши, фаолияти ва иш юритиш усуллари тубдан ўзгарди. Меҳнат вазирлиги, ижтимоий таъминот вазирлиги ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Биз юқорида қисқаса санаб ўтган марказий бошқарув идоралари тизимининг барпо этилиши асосан икки ҳолат билан изоҳланиши, яъни Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллигига эришуви ва унинг бозор иқтисодиётига ўта бошлаши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидламоқчимиз.

ТЕСТЛАР:

1. Давлат синфий зиддиятлар мурасизлигининг маҳсули ва кўринишидир, деб ҳисоблайдиган назария қандай назария?
 - A. теологик назария;
 - B. шартнома назарияси;
 - C. марксча назария;
 - D. зўрлик назарияси.
2. Давлатнинг тартибга солиш функцияларидан бирини айтинг
 - A. атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
 - B. барча мулк шакллари ҳимоя қилиш;
 - C. инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоялаш;
 - D. иқтисодий функция.
3. Давлат функцияси нима?
 - A. давлат органларини норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга доир фаолияти;
 - B. давлат фаолиятига асосий йўналишларни ифодаловчи вазифаларни амалга ошириш ва муайян мақсадга эришиш;
 - C. давлатнинг ўз фуқаролари ҳуқуқларини кафолатли амалга оширишга доир фаолияти;
 - D. давлат органларининг қонун устунлигини таъминлашга доир фаолияти.
4. “Давлат шакли” тушунчаси қандай ҳодисаларни қамраб олади?
 - A. давлат тузумининг шакли;
 - B. давлат бошқарувчи;
 - C. давлат бошқарувининг шакли, давлат тузumi, сиёсий режим;
 - D. давлатнинг демократик режими.
5. Давлатнинг тузилиш шакллари қандай?
 - A. парламент республикаси, монархия;
 - B. демократия, автократия, тоталитаризм;
 - C. Президент Республикаси, Конституциявий монархия;
 - D. унитар давлат, федерация, конфедерация.
6. Давлат органи нима?
 - A. муассаса;
 - B. давлат аппаратининг бўғини
 - C. давлат механизми.
 - D. сиёсий ташкилот.
7. Ижро этувчи ҳокимият органлари нима?
 - A. олий ва маҳаллий ҳокимият органлари;
 - B. давлат сиёсати ва қонунларнинг ижросини таъминлашга хизмат қиладиган органлар;
 - C. одил судловни амалга оширувчи давлат муассасалари;
 - D. қонунларни қабул қилувчи давлат органлари.
8. Ҳуқуқни амалга оширишнинг махсус шаклини кўрсатинг.
 - A. риоя этиш;
 - B. бажариш;
 - C. фойдаланиш;
 - D. хизмат кўрсатиш.
9. Ҳуқуқ манбаини Ўзбекистонда нима ташкил этади?
 - A. ҳуқуқий одат;
 - B. норматив-ҳуқуқий ҳужжат;
 - C. жамиятнинг иқтисодий асоси;
 - D. юридик прецедент.

10. Олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатинг.

- A. Президент Фармонлари.
- B. қонунлар;
- C. ҳуқумат қарорлари;
- D. жамоат ташкилотларининг чиқи ҳужжатлари

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”, Т. 1996 йил.
2. И.А.Каримов. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, Т. 1996 йил.
3. И.А.Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, Т. 1996 йил.
4. И.А.Каримов. “Бунёдкорлик йўлидан”, Т. 1996 йил.
5. И.А.Каримов. “Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби”, Т.1997 йил.
6. И.А.Каримов. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”, Т. 1997 йил.
7. И.А.Каримов. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз”, Т. 1999 йил.
8. И.А.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз”, Т. 1994 йил.
9. И.А.Каримов. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”, Т. 2001 йил.
10. И.А.Каримов. “Адолат-қонун устуворлигида”, (Халқ сўзи. 2002 йил 30 август)
11. И.А.Каримов. “Янгиланиш ва ўзгариш жараёни орқага қайтмайди”, (Халқ сўзи. 2002йил 5 апрел).
12. Тожихонов У., Саидов А. “Ҳуқуқий маданият назарияси”, 2-том.
13. Тансиқбаева Г., Мухаммеджанов О. “Конституция ва биз”, Т. 1996 йил.
14. Саидов А., Тожихонов У. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, 2-том, Т. 2001 йил.
15. Саидов А. “Халқаро ҳуқуқ”, 2-том, Т. 2001 йил.
16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ, Т. 2001йил.
17. Давлат ва ҳуқуқ асослари, Т. 2002 йил.